



## МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ: СТРАТЕГИК ШЕРИКЧИЛИК ВА ҲИСОБ ТИЗИМИ

*i.f.d., prof., Ризаев Нурбек Кадилович*  
Тошкент халқаро кимё университети  
ORCID: 0000-0001-5374-8045  
[rizayevnk220874@gmail.com](mailto:rizayevnk220874@gmail.com),

**Исаев Фахриддин Икромович**

ТДИУ ҳузуридаги «Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг  
илмий асослари ва муаммолари» илмий-тадқиқот маркази  
ORCID:0000-0001-7760-5866  
[faxriddin87@mail.ru](mailto:faxriddin87@mail.ru)

**Аннотация.** Марказий Осиё мамлакатлари жумладан Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлигининг истиқболлари товар айрибошлаш, қўшма корхоналар, юк ташиш ҳажми, йирик кооперация лойиҳалари, туризм, саноат, энергетика ва қишлоқ хўжалиги соҳаларидаги ҳамкорликни кенгайтиришда мамлакатлар ўртасида бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботларни ҳам ўзаро интеграциясини таъминлашга қаратилган фикрлар келтириб ўтилган. Шунингдек, мамлакатимизда бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботни халқаро стандартларга мувофиқлаштиришда “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4611-сонли қарорида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш бўйича амалий ишлар, Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасида бухгалтерия ҳисоби тизимининг ўзаро боғлиқ ва фарқли жиҳатлари бўйича илмий хулосалар шакллантирилган.

**Калит сўзлар:** молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари, бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари, молиявий ҳисобот, бухгалтерия ҳисоби, молиявий ҳисоботнинг миллий стандартлари, кичик ва ўрта бизнес учун бухгалтерия ҳисоби.

## СТРАНЫ ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ: СТРАТЕГИЧЕСКОЕ ПАРТНЕРСТВО И СИСТЕМА БУХГАЛТЕРСКОГО УЧЕТА

*Д.э.н., проф. Ризаев Нурбек Кадилович*

Ташкентский международный университет Кимё

**Исаев Фахриддин Икромович**

Научно-исследовательский центр «Научные основы и проблемы развития экономики Узбекистана» при ТГЭУ

**Аннотация.** Рассмотрены перспективы экономического сотрудничества между странами Центральной Азии, включая Узбекистан и Казахстан, в расширении сотрудничества в сферах товарного обмена, создания совместных предприятий, объемов грузоперевозок, крупномасштабных кооперативных поселений, туризма, промышленности, энергетике и сельского хозяйства, были отмечены моменты, обеспечивающие взаимная интеграция бухгалтерского учета и финансовой отчетности между странами. Также, в согласовании бухгалтерского учета и финансовой отчетности в нашей стране с международными стандартами, практической работе по обеспечению выполнения задач, изложенных в решении PQ-4611 "О дополнительных мерах по переходу на международные стандарты финансовой отчетности", научных выводах о взаимосвязанных и различных аспектах бухгалтерского учета. система формируется между Узбекистаном и Казахстаном.

**Ключевые слова:** международные стандарты финансовой отчетности, Национальные стандарты бухгалтерского учета, финансовая отчетность, бухгалтерский учет, Национальные стандарты финансовой отчетности, бухгалтерский учет для малого и среднего бизнеса.

## CENTRAL ASIAN COUNTRIES: STRATEGIC PARTNERSHIP AND ACCOUNTING SYSTEM

**Rizaev Nurbek Kadirovich**

*Tashkent International University of Kimyo*

**Isaev Fakhriddin Ikromovich**

*Scientific research center "Scientific bases and problems of development of the economy of Uzbekistan" under TSEU*

**Annotation.** *The prospects of economic cooperation between the countries of Central Asia, including Uzbekistan and Kazakhstan, in the expansion of cooperation in the areas of Commodity Exchange, joint ventures, volume of cargo transportation, large-scale cooperative settlements, tourism, industry, energy and agriculture, points have been made to ensure the mutual integration of accounting and financial statements between the countries. Also, in the Coordination of accounting and financial statements in our country with international standards, practical work on ensuring the implementation of the tasks set out in the decision of PQ-4611 "on additional measures for the transition to international standards of financial reporting", scientific conclusions on interrelated and different aspects of the accounting system are formed between Uzbekistan and Kazakhstan.*

**Keywords:** *international Financial Reporting Standards, National Accounting Standards, financial reporting, accounting, National Financial Reporting Standards, accounting for small and medium-sized businesses.*

### **Кириш.**

Жорий йилнинг 8 августида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Остона шаҳрига амалга оширилган давлат ташрифи Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасида стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларида мутлақ янги тарих саҳифасини очди.

Сўнгги йилларда Қозоғистон билан товар айрибошлаш ҳажми икки баробар (яқин йилларда 10 млрд.долл га етказиш), қўшма корхоналар сони беш баробар кўпайди, шунингдек саноат кооперациясини ривожлантириш мақсадида умумий қиймати 7 млрд.долл ҳажмда янги битим ва шартномалар портфели ишлаб чиқилди. Президентимизнинг давлат ташрифи чоғида Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасида энергетика қувватлари ва инфратузилмасини қуриш, муқобил энергия манбаларини ривожлантириш, транспорт ва транзит соҳасида янги транспорт йўлакларини қуриш, сув хўжалиги объектларини автоматлаштириш ва рақамлаштириш ҳамда маданий-гуматар хамкорликни янада ривожлантириш бош мақсад қилиб белгиланди.

Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги мазкур стратегик иқтисодий хамкорликни ривожланиши мамлакатларда фаолият кўрсатаётган турли йирик ташкилотлар ва корхоналарнинг ишлаб чиқариш (хизматларни кўрсатиш) даражасига хам боғлиқ бўлиб, улардаги бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботларни тузиш муҳим аҳамиятга эга. Шу жиҳатдан қаралганда бухгалтерия ҳисоби тизимини халқаро стандартлар талаблари асосида такомиллаштириб боришни тақозо этади. Бу эса икки мамлакат ўртасида иқтисодий хамкорликни янада кучайтиришда ишбилармон доираларни кенг жалб қилиш имкониятини яратади (инвестициялар ҳажми ортади).

### Адабиётлар шарҳи.

Мақола Ўзбекистон ва Қозоғистонда бухгалтерия ҳисоби тизими ҳамда молиявий ҳисоботларни тузиш тартибига кўпроқ эътибор қаратилади, шу сабабли, адабиётлар шарҳи молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ва иқтисодчи олимлар томонидан билдириб ўтилган фикр-мулоҳазалар баёни келтириб ўтилади.

“Молиявий ҳисоботни тақдим этиш” номли 1-сон БҲХСда қйидаги атама келтириб ўтилган: *“Умумий мақсаддаги молиявий ҳисобот”* (“молиявий ҳисобот” деб аталади) - бу ташкилотдан ўзларининг муайян ахборот эҳтиёжларига жавоб берадиган ҳисобот тайёрлашини талаб этиш имкониятига эга бўлмаган фойдаланувчиларнинг эҳтиёжларини қондиришга мўлжалланган молиявий ҳисоботдир” (БҲХС, 2020).

«Молиявий ҳисобот ҳисобот берувчи ташкилотнинг молиявий ҳисобот элементлари таърифларига жавоб берадиган иқтисодий ресурслар, ташкилотга нисбатан талаб қилиш ҳуқуқлари, шунингдек мазкур ресурслар ва талаб қилиш ҳуқуқларидаги ўзгаришлар тўғрисидаги маълумотни тақдим этади» (БҲХС, 2020).

Молиявий ҳисоботнинг мақсади молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар учун ҳисобот берувчи ташкилотнинг келгуси соф пул маблағлари кирими бўйича истиқболни баҳолашда ва ташкилот раҳбариятининг иқтисодий ресурсларни масъулиятли бошқариш бўйича фаолиятини баҳолашда фойдали бўладиган ҳисобот берувчи ташкилотнинг активлари, мажбуриятлари, хусусий капитали, даромадлари ва харажатлари тўғрисидаги молиявий маълумотни тақдим этишдан иборат.

Республикамиз амалиётида қўлланиб турилган бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларига концептуал асосда қуйидагилар ифодаланган: “Молиявий ҳисоботлар молиявий ҳисоботнинг таркибий қисми ҳисобланади ва БҲМС билан белгиланади. Молиявий ҳисобот шу ҳисоботларга асосланган ёки улар билан боғлиқ бўлган изоҳлар, ҳисоб-китоблар ва тушунтиришларни ҳам ўз ичига олади. Бундай ахборот саноат ва жуғрофий ҳудудларнинг фаолият турлари тўғрисидаги молиявий ахборотни акс эттириши ва нархлар ўзгаришининг молиявий натижаларга таъсирини тушунтириб бериши керак”. Ҳар иккала стандартда келтирилган атама ва таърифни таққосланганда, халқаро стандартда молиявий ҳисобот асосан, фойдаланувчилар учун мўлжалланганлигини кўриш мумкин, миллий стандартда эса, корхонанинг молиявий ҳолатини кўрсатиб бериши мақсад қилиб олинган.

Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги қонунда ҳисоботга қуйидаги таъриф берилади: “Молиявий ҳисобот бухгалтерия ҳисоби субъектининг ҳисобот санасидаги молиявий ҳолати, ҳисобот давридаги фаолиятининг молиявий натижаси ва пул маблағларининг ҳаракати тўғрисидаги тизимлаштирилган ахборотдан иборатдир” (Қонун, 2016).

Иқтисодчи олимлар ва мутахассислар томонидан молиявий ҳисобот тушунчасига қуйидаги таърифлар ва фикр-мулоҳазалар билдириб ўтилган, жумладан, Каримовнинг (2018) фикрича: “молиявий ҳисобот ташкилотнинг маълум вақт оралиғидаги молиявий ҳолати, фаолияти ва пул оқимлари ҳақида тўлиқ маълумот берувчи ҳужжат бўлиб, ташкилотнинг молиявий ҳолатини таҳлил қилиш ва қарор қабул қилиш учун муҳим восита ҳисобланади.

Ибрагимовнинг (2020) фикрига кўра: “Ҳисобот хўжалик юритувчи субъектларнинг ўтган вақт ичидаги ишлари натижалари ва шароитлари тўғрисидаги маълумотлар мажмуи бўлиб, ундан фаолиятини таҳлил, назорат қилиш ва бошқариш мақсадида фойдаланилади”.

Ташназаровнинг (2023) фикрича: “Молиявий ҳисобот деганда, умумэътироф этилган қоидалар асосида ташкилотнинг молиявий ҳолати, унинг молиявий-иқтисодий фаолияти натижалари ҳамда пул маблағлари ҳаракатига доир ҳаққоний ва сифатли ахборотларни ўзида мужассамлаштирган тизим тушунилади. У ички ва асосан ташқи

ахборот фойдаланувчиларга қарорлар қабул қилиш ва назорат учун ахборотга бўлган умумий эҳтиёжини таъминлашга қаратилган”.

Ковалева (2012): “Бухгалтерия (молиявий) ҳисоботларининг асосий мақсади корхонанинг молиявий ҳолати ва унинг ўзгариши тўғрисидаги маълумотларни ишончли ва тўлиқ тақдим этишдир. Фойдаланувчилар томонидан молиявий ҳисоботларни молиявий таҳлил манбаи сифатида тан олишининг асосий омиллари сифатида тўлиқлик, аниқлик, ўз вақтидалилик, ҳаққонийлик тамойилларига алоҳида эътибор қаратиш зарур”.

Трушкина (2016): “Бухгалтерия (молиявий) ҳисоботида акс эттирилган маълумотлар кўплаб манфаатдор фойдаланувчилар учун мавжуд деб тахмин қилиш керак, аммо ҳар бир манфаатдор фойдаланувчилар гуруҳи ҳисоботларда мавжуд бўлган маълумотлардан ўз хоҳишига кўра, яъни олдида турган вазифаларга қараб фойдаланади. Бухгалтерия ҳисоботининг ахборот базаси кўплаб компанияларнинг оммавий ҳисобот маълумотларини акс эттириш тенденцияси “қанча кам бўлса, шунча яхши” тамойилига айланганига қарамай, таҳлил қилиш, прогнозлаш ва режалар учун кенг имкониятлар яратади.

Ахмаджонов таърифлашича: “Акциядорлик жамиятлари ҳисоботи умумлашган кўрсаткичлар тизимидан иборат бўлиб, унда корхона молия-хўжалик фаолиятининг натижаси ва маълум бир даврга режа кўрсаткичларининг бажарилиши бухгалтерия, статистика ва оператив-техника ҳисоби маълумотларига асосланиб тавсифланади” (Умаров, 2004).

Очилов (2022) томонидан қуйидагилар билдириб ўтилади: “Молиявий ҳисобот - бу корхоналарнинг маълум бир даврдаги молиявий натижалари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган ҳужжат. Молиявий ҳисоботлар қандай тузилганлиги ва уларни қандай тақдим этиш кераклигини ифода этади”.

Ҳошимов (2004) фикрига кўра: “Акциядорлик жамиятининг маълум даврдаги фаолият якунини билиш учун маълумотларни «умумлаштириш ва бир тизимга келтириш»га ҳисобот тузиш йўли билан эришилади, «ҳисобот акциядорлик жамиятларнинг ўтган вақт ичидаги ишлари натижалари ва шароитлари тўғрисидаги маълумотлар мажмуи бўлиб, ундан фаолиятни таҳлил, назорат қилиш ва бошқариш мақсадида фойдаланилади».

Ибрагимова (2022): “Халқаро ҳисоб тизими-молиявий ҳисоботларни тузиш услубиёти ва унинг ахборот имкониятларини кучайтириш учун унинг назарий ғоялари ва концептуал асосларига таяниш асосида молиявий ҳисоботларни шакллантириш ҳисобланади”.

Хорижлик иқтисодчи олимлар (Нидлз, Андерсон, Колдуэлл, 1993) қуйидагича таърифни келтирган: “Молиявий ҳисобот бу иқтисодий субъектлари моделидир. Ҳисобот ишларнинг ҳақиқий ҳолатини тўлиқ картинасини акс эттира олмасда, у бухгалтерларнинг бу борадаги мавжуд уринишларидан энг мақбули ҳисобланади”.

Донцованинг (2011) фикрига кўра: “корхонанинг бухгалтерия (молиявий) ҳисоботи унинг молиявий-хўжалик фаолияти тўғрисида асосий маълумот манбаи бўлиб хизмат қилади. Ҳисоботни ҳар томонлама ва пухта ўрганиш эришилган ютуқларнинг сабабларини, шунингдек корхона ишидаги камчиликларни очиб беради, унинг фаолиятини такомиллаштириш йўллари аниқлашга ёрдам беради.

Энтони, Рис (1993) томонидан ҳисоботларни қуйидагича ифодалаган: “ҳолат тўғрисидаги ҳисобот ҳамда ўзгариши (ҳаракати) тўғрисидаги ҳисобот, бу ерда бухгалтерия баланси биринчи категориядаги ҳисоботга киради. У вақтнинг аниқ маълум бир даврида субъектнинг ресурслари ҳақида ахборотларни беради. Шунингдек, фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳамда пул маблағларининг ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботлар иккинчи категорияга мансуб ҳисобланади”.

Суворов (2007) томонидан: “Молиявий ҳисобот қуйидаги кўрсаткичларни албатта қамраб олини кўрсатиб ўтилган, жумладан ҳисобот бераётган корхонанинг номи ёки уни белгилашнинг ҳар қандай усули, молиявий ҳисобот алоҳида корхонага ёки корхоналар гуруҳига тааллуқлиги, ҳисобот даврининг тугалланиш санаси ёки молиявий ҳисобот қамраб олинган давр ёки изоҳларда келтирилади, МҲХСда аниқлангандек ҳисоботда тақдим этиладиган валюта ҳамда валютанинг яхлитланиши”.

Юқоридаги фикрларни умумлаштирилган ҳолда молиявий ҳисоботга қуйидаги таъриф шакллантирилди: “Молиявий ҳисобот - бу тадбиркорлик субъектининг (ташкилотнинг) ҳисобот санасидаги мулкӣ ва молиявий ҳолатини, шунингдек, ҳисобот давридаги фаолиятининг молиявий натижалари, хусусий капитали ҳамда пул оқимларини акс эттирувчи кўрсаткичлар тизимидир”.

### **Тадқиқот методологияси.**

Мақолани ёзишда мантиқӣ фикрлаш, қиёсий таҳлил, монографик кузатув, маълумотларни гуруҳлаш, таққослаш, молиявий таҳлил ҳамда бухгалтерия ҳисобининг усулидан кенг фойдаланилди. Мақолада Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг йирик компаниялари молиявий ҳолати, фойда (зарар) ва бошқа умумлашган даромадлар, пул маблағлари харакати тўғрисидаги ҳамда хусусий капиталдаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисоботларни молиявий таҳлил қилинди.

Молиявий таҳлил орқали ушбу компанияларнинг келгусида пул маблағлари ва уларнинг эквивалентларини кўпайтириш имконияти, молиявий мажбуриятларни ўз вақтида тўлай олиш, кредитга бўлган талабни ўрганиш, акцияларни баҳолаш, фойдани шакллантириш ва уни оқилона тақсимлаш, иқтисодий ресурслардаги потенциал ўзгаришларни баҳолаш, шунингдек компанияларнинг молиявий аҳволини янада яхшилаш имкониятини беради.

Шунингдек, молиявий ҳолат таҳлили методологиясида корхоналарнинг хусусий капитали муҳим роль ўйнади. Таҳлил қилинаётган корхоналардада хусусий капиталнинг ўсиши асосан, қўшимча капитал (тўланадиган) ҳамда тақсимланмаган фойда ҳисобига ортганлигини кўриш мумкин. Методологик жиҳатдан баланснинг мажбурий компонентларида номоддий активлар ва гудвилнинг мавжудлиги келгусида компанияларнинг инновацион маҳсулотлар ва хизматлар қийматни ортиб бораётганлигидан дадолат беради.

### **Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.**

Мақоланинг таҳлил ва натижаларида Ўзбекистон ва Қозоғистонда бухгалтерия ҳисоби тизими, унинг юритилиши ҳамда молиявий ҳисоботларни тузишнинг концептуал асосига тўхталиб ўтилади. Ушбу мамлакатларда бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботлар деярли ўхшаш ва ўзаро боғлиқ жиҳатларига эга бўлиб, ҳар иккисида ҳам бугунги тенденция молиявий ҳисоботнинг халқаро стандарлари (МҲХС)га ўтиш босқичидадир. Ҳисобнинг бундай бир-бирига яқинлиги мамлакатлар ўртасида иқтисодий интеграция ва инвестиция оқимини ошишига хизмат қилади.

Қозоғистонда молиявий ҳисоботнинг миллий стандартлари (МҲМС)нинг таркибий тузилиши молиявий ҳисоботнинг тамойиллари ва сифат хусусиятларини белгилайди ҳамда қуйидаги бўлимларни ўз ичига олади:

#### *1. Умумий қоидалар.*

Қўллаш соҳаси.

Стандартда қўлланиладиган таърифлар.

Молиявий ҳисоботнинг тамойиллари ва сифат хусусиятлари.

#### *2. Бухгалтерия ҳисоби.*

Ҳисоб ҳужжатлари.

Асосий воситалар ва номоддий активлар ҳисоби.

Заҳиралар (ТМЗ) ҳисоби.

Ижра ҳисоби.

Узоқ муддатли ишлаб чиқариш харажатлари ва қурилишдаги активлар ҳисоби.

Инвестициялар ва курсдаги фарқлар ҳисоби.

Даромадлар ва харажатлар ҳисоби.

1-жадвал

**Kaspi.kz АЖ (KSPI) нинг бухгалтерия баланси**  
(KSPI Balance Sheet) (Millions of KZT)

Баланс кўрсат кичлари	2024 йил 30 июн учун	2024 йил 31 март учун	Фарқи, фоизда
<b>Жами жорий активлар (Total Current Assets)</b>	<b>5538439</b>	<b>5273315</b>	<b>104,9</b>
Пул маблағи ва қисқа муддатли инвестициялар (Cash and Short Term Investments), жумладан:	594862	668058	88,9
Нақд пул (Cash)	-	-	-
Пул ва пул эквивалентлари (Cash & Equivalents)	594862	668058	88,9
Қисқа муддатли инвестициялар (Short Term Investments)	-	-	-
Жами дебиторлар, соф (Total Receivables, Net)	4891012	4553997	107,4
Дебиторлик-савдо, соф (Accounts Receivables - Trade, Net)	4857315	4523841	107,3
Жами заҳиралар (Total Inventory)	-	-	-
Келуси давр харажатлари (Prepaid Expenses)	-	-	-
Бошқа жорий активлар жами (Other Current Assets)	52565	51260	102,5
<b>Жами активлар (Total Assets)</b>	<b>7167889</b>	<b>6909226</b>	<b>103,7</b>
Асосий восита, бино ва ускуналар, соф (Property/Plant/Equipment, Total - Net)	186984	172357	108,1
Асосий восита, бино ва ускуналар, брутто (Property/Plant/Equipment, Total - Gross)	-	-	-
Жамғарилган амортизация, жами (Accumulated Depreciation, Total)	-	-	-
Гудвилл (Goodwill, Net)	-	-	-
Номоддий активлар (Intangibles, Net)	-	-	-
Узоқ муддатли инвестициялар (Long Term Investments)	1290008	1311350	98,4
Олинадиган векселлар-узоқ муддатли (Note Receivable - Long Term)	33697	30156	110,0
Бошқа узоқ муддатли активлар (Other Long Term Assets, Total)	152458	152204	100,0
Бошқа активлар (Other Assets)	-4838447	-4502737	107,3
<b>Жорий мажбуриятлар, жами (Total Current Liabilities)</b>	<b>1048029</b>	<b>940908</b>	<b>110,6</b>
Тўланадиган счётлар (Accounts Payable)	-	-	-
Тўланадиган/ҳисобланган (Payable/Accrued)	-	-	-
Ҳисобланган харажатлар (Accrued Expenses)	-	-	-
Тўланадиган қарзлар, қисқа муддатли (Notes Payable/Short Term Debt)	10007	87020	114,9
Жорий Port. LT қарздорлик ва капитал ижара (Current Port. of LT Debt/Capital Leases)	-	-	-
Бошқа мажбуриятлар, жами (Other Current liabilities, Total)	1038022	853888	121,1
<b>Жами мажбуриятлар (Total Liabilities)</b>	<b>5936910</b>	<b>5550638</b>	<b>106,8</b>
Узоқ муддатли мажбуриятлар (Total Long Term Debt)	130410	127689	102,3
Капитал ижара ва облигациялар (Capital Lease Obligations)	-	-	-
Солиқ бўйича фарқлар (Deferred Income Tax)	-	-	-
Озчиликнинг манфаати (Minority Interest)	31663	28490	110,7
Бошқа мажбуриятлар (Other Liabilities)	4716801	4366531	108,0
<b>Ҳусусий капитал, жами (Total Equity)</b>	<b>1230979</b>	<b>1358588</b>	<b>91,1</b>
<b>Жами мажбуриятлар ва акциядорнинг капитали (Total Liabilities &amp; Shareholders' Equity)</b>	<b>7167889</b>	<b>6909226</b>	<b>103,7</b>
Муомаладаги жами оддий акциялар (Total Common Shares Outstanding)	190.02	190.01	100,0
Муомаладаги жами имтиёзли акциялар (Total Preferred Shares Outstanding)	-	-	-

## 2. Молиявий ҳисоботни тузиш.

Молиявий ҳисобот.

Молиявий ҳисоботнинг элементлари.

## 4.Ўтиш даври қоидалари.

Йирик субъектлар ва жамоат манфатдор бўлган ташкилотлар томонидан молиявий ҳисоботларини тузиш – МҲХС асосида шакллантирилади. Бунда тўғридан-тўғри халқаро стандарт қоидалари тўлиқ амал қилинади.

Қуйида Қозоғистоннинг йирик корхоналаридан бири “Kaspi.kz АЖ” (KSPI)ни МҲХС талаблари асосида шакллантирилган молиявий ҳолат тўғрисидаги (бухгалтерия баланси) ҳисобот шакли келтириб ўтилади.

Жадвал маълумотларига кўра, “Kaspi.kz АЖ” (KSPI)нинг бухгалтерия баланси моддалари ҳам активларнинг ликвидлиги бўйича шакллантирилган. Жорий активлари пул маблағларидан бошланиб, бошқа заҳиралар ва активлар билан яқунланади. Мазкур баланснинг узоқ муддатли активлар таркибида БҲМС каби “Асосий воситалар” эмас, балки “Асосий восита, бино ва ускуналар, соф” номи билан акс эттирилган. Шунингдек, номоддий активлардан алоҳида этиб “Гудвилл” кўрсатилган.

## 2-жадвал

**Kaspi.kz АЖ (KSPI) нинг фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботи**  
(KSPI Income Statement) (Millions of KZT)

Кўрсаткичлар	2024 йил 30 июн учун	2024 йил 31 март учун	Фарқи, фоизда
<b>Жами тушум</b>	<b>599237</b>	<b>551891</b>	<b>107,2</b>
Тушум	343017	310722	109,6
Бошқа тушумлар	256220	241169	104,1
Сотиш таннархи	79698	69409	114,4
<b>Ялпи даромад</b>	<b>519539</b>	<b>482482</b>	<b>106,2</b>
<b>Операцион харажатлар, жами</b>	<b>155865</b>	<b>138218</b>	<b>112,3</b>
Сотиш, маъмурий ва бошқа харажатлар	18246	18499	98,9
Илмий тадқиқот ва ишланмалар	26244	25257	104,0
Амортизация	-	7170	-
Фоиз кўринишидаги харажатлар (даромадлар) - соф (операцион)	-147085	-145499	101,3
Ноодатий харажатлар (даромад)	-	-	-
Бошқа операцион харажатлар	178762	163382	109,2
<b>Операцион даромад</b>	<b>443372</b>	<b>413673</b>	<b>107,3</b>
Фоизли даромад (харажат) - операцион бўлмаган	-	-	-
Активларни сотишдан фойда (зарар)	-	-	-
Бошқалар	147085	144576	102,0
<b>Солиқ тўлагунга қадар даромад</b>	<b>296287</b>	<b>269097</b>	<b>111,5</b>
Даромад солиғи бўйича захира	53670	45657	117,8
<b>Солиқ тўлагандан кейинги соф фойда</b>	<b>242617</b>	<b>223440</b>	<b>109,0</b>
Озчиликни манфаати	31663	28490	110,7
Бўлим ва филиаллардаги капитал	-	-	-
U.S GAAP бўйича тузатишлар	-	-	-
<b>Фавқулудда вазиятлардан аввалги даромад (зарар)</b>	<b>242617</b>	<b>219599</b>	<b>114,2</b>
<b>Соф фойда</b>	<b>242617</b>	<b>219599</b>	<b>114,2</b>
Соф фойдага тузатишлар	-	-	-
<b>Умумий фойдаланиш мумкин бўлган даромадлар</b>	<b>242617</b>	<b>219599</b>	<b>114,2</b>
Юмшатирилган (Diluted суултирилган) тузатишлар	-	55.72	-
Юмшатирилган соф даромад	242617	219543	114,2
Ўртача юмшатирилган акциялар	190.01	190.74	100,0
<b>Фавқулудда вазиятлардан ташқари юмшатирилган EPS</b>	<b>1277</b>	<b>1151</b>	<b>90,5</b>
DPS - дастлабки чиқарилган оддий акциялар	850	850	100,0
Акция меъёрлаштирилган юмшатирилган даромад	974.58	861.61	88,3

Чунки, гудвилл яъни компания бренди хорижий компаниянинг баланс қийматидан бир неча баробар қиммат туради. Мазкур баланснинг мажбуриятлари бўлими ҳам ўз навбатида икки қисмдан: жорий ва узоқ муддатли мажбуриятлардан ташкил топшган бўлиб, бизнинг амалиётимизда қўлланилмаган “Озчиликнинг манфаати (Minority Interest)” каби моддаларнинг борлиги билан ўзига хос хусусиятга эга. Умумий хулоса қилинганда мазкур кўринишдаги баланс шаклидан таҳлилий амалларни амалга ошириш мақсадида маълумотларни олиш имкониятини яратади.

Юқоридаги жадвалда эса, Kaspi.kz АЖ (KSPI)ни МХХС талаблари асосида шакллантирилган фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот шакли келтириб ўтилади.

Маълумотлардан кўриниб турибдики, “Kaspi.kz АЖ”нинг фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботи ҳисобот йилнинг ҳар чорагида эълон қилиб борилади. Бизнинг амалиётимизда ялпи даромадни аниқлашда маҳсулот сотишдан тушум ва сотилган маҳсулот таннари ўртасидаги нисбат олинсада, таҳлил қилинаётган “Kaspi.kz АЖ”нинг ҳисоботида ялпи даромадни аниқлашда “Бошқа тушумлар” номли модда киритилган. Мазкур ҳисоботнинг биз учун яна бир муҳим томони, компанияда инновацион ғояларни қўллаб-қувватлашга, янги турдаги инновацион экспорт маҳсулотларни ишлаб чиқаришга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир, яъни ҳисоботда “Илмий тадқиқот ва ишланмалар” га қилинган харажатлар алоҳида ҳисоб-китоб қилинади. Бу харажатлар операцион харажатлар таркибига киритилади.

Ўз навбатида балансда акс эттирилган “Озчиликни манфаати” моддаси ҳам соф фойдани аниқлашда ҳисобга олинади. Фикримизча, европа давлатлари компания ва фирмалари АҚШ билан ўзаро савдо интеграция жараёнида ҳамкорлар ёки инвестиция эгалари учун АҚШда стандарт ўрнига тамойиллар номи билан машҳур бўлган Бухгалтерия ҳисобининг умумқабул қилинган тамойиллари - БХУТ (US GAAP) бўйича тузатишлар киритиш кўзда тутилган.

Қозоғистонда ўрта тадбиркорлик субъектлари, шунингдек оператив бошқарувдаги давлат улушига эга корхоналари – кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектлари учун МХХС асосида молиявий ҳисоботларини тузади. Ушбу стандартлар МХХС Фондига тегишли бўлиб, Фонд томонидан ишлаб чиқилган қоидаларга риоя қилинади. Шунингдек, бу корхоналар хохласа тўлиқ МХХС бўйича ҳам шакллантириши мумкин бўлади. Демак, Қозоғистонда бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботларни тузиш юқоридаги қоидалар асосида амалга оширилади.

Қозоғистонда бухгалтерия ҳисобининг яна ўзига хос жиҳати, кичик тадбиркорлик учун бухгалтерия ҳисоби “Бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот тўғрисида”ги қонун (2007 йил 28 феврал, №234-III ҚРҚ) ҳамда Молия вазирлигининг 2013 йил 31 декабрдаги 50-сонли “Молиявий ҳисоботнинг миллий стандартлари ҳақида”ги буйруғи билан тартибга солинади (Қозоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2013 йил 8 феврал, 8328-сон). Шунингдек, Қозоғистонда фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари юқоридаги миллий стандартлардан ташқари молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (IFRS) ёки кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектлари учун молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (IFRS for SMEs) қўллаши мумкин. Хулоса қилинганда Қозоғистон бухгалтерия ҳисоби тизими халқаро стандартларга (МХХС) ўтиш босқичида бўлиб, Маказий Осиё давлатларининг ҳисоб тизими билан ўзаро узвийликни таъминлайди.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда бухгалтерия ҳисоби ва аудит тизимида, хусусан молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини жорий этишда кенг қўламли ишлар амалга ошириб келинмоқда ҳамда қуйидаги икки босқич молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МХХС)га ўтиш ва унинг қоидаларига мувофиқлаштириш бўйича муҳим ислохотлар даврини бошлаб берди:

биринчи, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720-сонли “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув



услугларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида 2015-2018 йилларда барча акциядорлик жамиятлари йиллик молиявий ҳисоботларини чоп этиши ва уни Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари (МҲХС) ва Аудитнинг халқаро стандартлари (АХС) асосида ташқи аудитдан ўтказиши белгиланган.

*иккинчи*, 2020 йил 24 февралда “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4611 - сон қарор қабул қилинди. Қарорга мувофиқ МҲХСга ўтишнинг зарурияти шундаки, республикамиздаги мавжуд акциядорлик жамиятлари, тижорат банклари, суғурта ташкилотларининг молиявий фаолияти ҳақида хорижий инвесторларни ишончли ва зарур ахборотлар билан таъминлаш, корхоналарни халқаро молия бозорларига кириш имкониятларини кенгайтириш, бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот ва ва аудит соҳалари мутахассисларини халқаро стандартлар бўйича тайёрлашдан иборат. Шу мақсадда мавжуд акциядорлик жамиятлари, тижорат банклари, суғурта ташкилотлари ва йирик солиқ тўловчилар:

- 2021 йил 1 январдан бошлаб МҲХС асосида бухгалтерия ҳисобининг юритилишини ташкил этишлари;

- халқаро стандартларни сифатли қўллаш учун етарли бўлган бухгалтерия хизмати ходимлари билан таъминлашлари лозим бўлади.

*учинчи*, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲХС)ни Давлат тилига расмий таржимаси амалга оширилди ва амалиётда қўллаш учун қабул қилинди. Шунингдек, кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектлар учун Молиявий ҳисоботнинг миллий стандартлари (МҲМС) ишлаб чиқилиш жараёни бошланди.

*тўртинчи*, Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲХС) талаблари асосида ташқи фонд бозорига чиқувчи корхоналар учун молиявий ҳисоботларнинг янги шакли ишлаб чиқилди ҳамда уларни тақдим этиш муддатларига тегишли ўзгартиришлар киритилди.

Ўзбекистонда молиявий ҳисобот тизимини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲХС)га мувофиқлаштириш бўйича Иқтисодиёт ва Молия вазирлиги МҲХСни жорий этиш бўйича ваколатли орган сифатида МҲХС Фонди билан 2020 йил 11 ноябрда МҲХС ҳужжатларини давлат тилига таржима қилиш ва бошқа тилларда фойдаланиш ҳуқуқини олишни назарда тутувчи битим имзолади. Мазкур битимнинг амалий ижроси сифатида Вазирлик томонидан “Молиявий ҳисоботларни тақдим этишнинг концептуал асоси” билан бирга жами 41 та халқаро стандартлар (МҲХС), 2 та стандартга ШДҚ шарҳи ҳамда 17 та стандартга МҲХСШҚ шарҳи давлат тилига таржима қилиниб амалиётда қўллаш учун тавсия этилди (МҲХС бўйича экспертлар гуруҳи хулосаси бўйича). Натижада, Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 24 августда 507-сон қарори билан тасдиқланган “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ва унга тушунтиришлар матнини тан олиш тартиби тўғрисида”ги низом МҲХС Фонди томонидан қабул қилинган МҲХС ва унга тушунтиришлар матнини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўллаш учун тан олиш тартибини белгилаб берди.

Шунингдек, амалдаги 24та бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларини (БҲМС) умумлаштириш орқали халқаро стандартларга уйғунлашган Молиявий ҳисоботнинг миллий стандартини (МҲМС) ишлаб чиқиш мақсадида МҲХС Фонди билан янги шартнома имзоланди. Натижада, Осиё тараққиёт банки (ОТБ) Ўзбекистоннинг Кичик ва ўрта бизнес субъектлари учун МҲХС асосида молиявий ҳисобот тайёрлаш салоҳиятини ошириш мақсадида амалга оширилаётган кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш дастури доирасида Молия вазирлигини қўллаб-қувватлади.

МҲХС Фонди билан тузилган шартномага асосан Молия вазирлиги томонидан кичик ва ўрта бизнес субъектлари учун МҲХС асосида (*IFRS for SMEs*) ишлаб чиқилган молиявий ҳисоботнинг миллий стандартлари (МҲМС) лойиҳаси 2024 йил 1 январдан амалиётга татбиқ этилиши режалаштирилди. Ўзбекистонда фаолият юритаётган кичик

ва ўрта бизнес субъектлари учун ишлаб чиқилган МҲМС (*IFRS for SMEs*) дан фойдаланувчиларга стандартни қуйидаги мақсадлар учун чоп этишлари учун рухсат беради:

- *фойдаланувчининг профессионал фойдаланиши;*
- *мустақил ўқиш ва таълим.*

Бу ерда профессионал фойдаланиш деганда фойдаланувчининг мижозларига фойдаланувчи бухгалтер сифатида ёки ташкилотга молиявий ҳисоботларни тайёрлаш ёки молиявий ҳисоботларни таҳлил қилиш учун мазкур стандартни қўллаш мақсадида бухгалтерия хизматларини кўрсатиш фаолияти билан боғлиқ ҳолда фойдаланувчининг профессионал мақомида мазкур стандартдан фойдаланиш тушунилади. Шунингдек, профессионал фойдаланишдан ташқари бўлган фойдаланувчилар ўзаро келишилган шартлар ва келишувларга мувофиқ алоҳида индивидуал лицензия учун Молия вазирлиги ва МҲХС Фонди билан боғланишлари лозим бўлади.

МҲХСларининг янги матнини қўллаш жараёнидаги яна бир муҳим бўлган янгиликлардан бири Молия вазирлиги томонидан тадбиркорлик субъектларини МҲХСни қўллаш жараёнида қўллаб – қувватлаш тўғрисида “Ахборот хати” эълон қилинди. Унга кўра, Молия вазирлигининг МҲХСни қўллаш бўйича етакчи мутахасислари томонидан тадбиркорлик субъектларини МҲХСни қўллаш жараёнида қўллаб-қувватлаш учун қуйидагилар тайёрланди:

- биринчидан, бухгалтерия ҳисобининг намунавий счётлар режаси;*
- иккинчидан, МҲХС асосидаги молиявий ҳисобот шакллари.*

Бунда бухгалтерия ҳисобининг намунавий счётлар режаси тавсиявий характерга эга бўлиб, у асосида тадбиркорлик субъектлари томонидан ўз фаолияти хусусиятини инобатга олган ҳолда, субъектнинг ишчи счётлар режаси тайёрланиши мумкинлиги таъкидланади. Молия вазирлиги томонидан МҲХСни жорий этиш бўйича тайёрланаётган бу каби қўлланмалар ҳамда кўрсатмалар мулкчилик шаклидан қатъий назар тадбиркорлик субъектларидаги бухгалтерия ҳисобини юритилишини босқичма-босқич халқаро стандартларга яқинлаштириш ва мувофиқлаштириш имконини беради..

Ўз навбатида, МҲХС асосидаги илова қилинаётган молиявий ҳисобот шакллари тадбиркорлик субъектлари томонидан ваколатли органларга, шу жумладан, солиқ органларига тақдим этиш учун тўлдирилади. Бунда, тадбиркорлик субъектлари уларни керакли маълумотлар бериб боришда алоҳида сатрлар билан тўлдириши мумкин. Натижада молиявий ҳисоботни тайёрлаш даврийлиги ва тузиш муддатларини ташкилот томонидан мустақил белгиланиши кўзда тутилган.

### 3-жадвал

#### Молиявий ҳисоботларни тақдим этиш қоидалари

Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари (БҲМС) асосида молиявий ҳисобот тайёрлайдиган тадбиркорлик субъектлари томонидан молиявий ҳисобот тақдим этишда қуйидаги муддатлар:	МҲХСга мувофиқ молиявий ҳисобот тайёрлайдиган тадбиркорлик субъектлари томонидан молиявий ҳисобот тақдим этишнинг қуйидаги муддатлари:
йиллик ҳисобот учун – ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 апрелидан кечиктирмай; чораклик ҳисобот учун – ҳисобот чораги тугагандан кейин 40 (қирқ) кун мобайнида.	йиллик ҳисобот учун – ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 15 июнидан кечиктирмай; чораклик ҳисобот учун – 2023 йилдан бошлаб, ҳисобот чораги тугагандан кейин 40 (қирқ) кун мобайнида.

Демак, Ўзбекистонда фаолият юритаётган хўжалик субъектлари томонидан бухгалтерия ҳисоби тизими қуйидагиларни ўз ичига олади:

биринчи, 2021 йил 1 январдан бошлаб, акциядорлик жамиятлари, тижорат банклари, суғурта ташкилотлари ва йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилган юридик шахслар МҲХС асосида бухгалтерия ҳисоби юритилишини ташкил этади ва 2021 йил якунларидан бошлаб молиявий ҳисоботни МҲХС асосида тайёрлайди;

иккинчи, 2024 йил 1 январидан бошлаб Кичик ва ўрта бизнес субъектлари учун МҲХС асосида (IFRS for SMEs) ишлаб чиқилган молиявий ҳисоботнинг миллий стандартлари (МҲМС) бўйича молиявий ҳисоботлар тақдим этилади.

Ўзбекистонда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тизими босқичма-босқич халқаро стандартларга (МҲХС) ўтиб боради ва тўлиқ мувофиқлаштирилади. Бу эса Марказий Осиё мамлакатлардаги бухгалтерия ҳисоби тизими билан бир ҳиллиги ва ўзаро интеграциялашуви имкониятини беради.

#### 4-жадвал

### Молиявий ҳисоботларнинг таркиби бўйича БҲМС ва МҲХС ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ва фарқли жиҳатлари

БҲМСга асосан тузилган йиллик молиявий ҳисоботлар таркиби	МҲХСга асосан тузилган йиллик молиявий ҳисоботлар таркиби
-бухгалтерия баланси; -молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот; -пул оқимлари тўғрисида ҳисобот; -хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот; -молиявий ҳисоботларни тушунтирувчи изоҳлар.	-молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот; -фойда ёки зарар ва бошқа умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисобот; -хусусий капиталдаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисобот; -пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот; -молиявий ҳисоботларни тушунтирувчи изоҳлар.
Микрофирмалар ва кичик корхоналар учун йиллик молиявий ҳисобот бухгалтерия баланси ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботни ўз ичига олади.	

**Манба:** Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, БҲМС ва МҲХС ўртасидаги таққослама маълумотлардан кўриниб турибдики, эндиликда халқаро стандартларни қўллаётган тадбиркорлик субъектлари учун молиявий ҳисобот номи ва уларнинг таркибига ҳам ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши назарда тутилмоқда.

#### 5-жадвал

### Ўзбекистон ва Қозоғистонда бухгалтерия ҳисоби тизими

Мамлакат номи	Бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот тизимига жорий этилган стандартлар			Стратегик иқтисодий ҳамкорликда бизнес доира вакиллари учун ишончли маълумотларни олиш имкониятини беради (инвестициялар оқимини кучайтиради)
	Акционерлик жамият, банк ва суғурта компаниялар учун МҲХС асосида (IFRS)	Кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектлари учун МҲХС асосида (IFRS for SMEs)	Бошқа тадбиркорлик субъектлари учун МҲМС асосида	
Қозоғистон	+	+	+	
Ўзбекистон	+	+	+	

Натижада республикамизда фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари томонидан эндиликда молиявий ҳисоботни МҲХСга мувофиқ тайёрлайдилар ҳамда улар БҲМС бўйича молиявий ҳисоботни тақдим этмайдди. Шунингдек, молиявий ҳисоботни МҲХСга мувофиқ тайёрлайдиган тадбиркорлик субъектлари ўзининг веб-сайтида эълон қиладиган молиявий ҳисобот шакллари ҳисоб сиёсати билан белгилаши мумкинлиги кўзда тутилган.

Жадвалдан кўриниб турибдики, Ўзбекистон ва Қозоғистон бухгалтерия ҳисоби тизимини ўзаро боғлиқлиги улардаги савдо-иқтисодий муносабатларни янада ривожланишига ҳамда мамлакатлар ўртасида инвестиция оқимини кўпайишига олиб келади.

### Хулоса ва таклифлар.

Умумий хулоса қилиб таъкидлаш мумкинки, Ўзбекистон ва Қозоғистон давлатлари ўртасидаги ўзаро стратегик ҳамкорлик бир вақтнинг ўзида икки давлатдаги бухгалтерия ҳисобини бир-бирига яқинлаштириш ва халқаро стандартларга мувофиқлаштиришни талаб этади ҳамда бугунги кунда ҳар икки давлатдаги бухгалтерия ҳисоби тизми:

- ҳар бир давлат молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига (МҲХС) тўлиқ ўтган ёки ўтиш даврини бошидан кечирмоқда;

- кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектлари учун МҲХС асосида молиявий стандартларни (IFRS for SMEs) амалиётда қўллаш йўлига ўтди ҳамда такомиллашиб бормоқда;

- халқаро стандартларни (IFRS ва IFRS for SMEs) қўллаш мажбурий бўлмаган тадбиркорлик субъектлари учун молиявий ҳисоботнинг миллий стандартлари (МҲМС) жорий этилган;

- халқаро бозорга чиқувчи корхоналар учун МҲХСдан тўлиқ фойдаланиш ва молиявий ҳисоботларни трансформация қилиш имконияти яратилган.

### Адабиётлар/ Литература/ Reference:

Jumaev N.H., Rizaev N.K., Isaev F.I. (2023). Organization of turkic states: interoperation and accounting system. *British Journal of Global Ecology and Sustainable Development*, 13, 116–129. Ret. from <https://www.journalzone.org/index.php/bjgesd/article/view>

Karimov A., Kurbanbayev J., Jumanazarov S., Xalilov Sh. (2018) *Moliyaviy hisob va hisobot. O'quv qo'llanma.* –Т.:Iqtisod-moliya, - 400 b.

Rizaev N. Kadirov S. (2023) *Adjusting national accounting standards in compliance with international standards in Uzbekistan (as exemplified by intangible assets). Pedagogical sciences and teaching methods. Volume 2 , Issue 19 January. Collection of Scientific Works. Berlin 11 January. Interonconf.com. 93-108 б.*

Rizaev N.K. (2022) *Issues of adjusting national standards in compliance with international standards in Uzbekistan (Evidence from accounting policy). Ilmiy tadqiqot va innovatsiya, 94–104. Retrieved from. <http://ilmiytadqiqot.uz/index.php/iti/article/view/14>*

БҲХС (2020) 1-сон. “Молиявий ҳисоботни тақдим этиш” (7-банд).

Донцова Л.В. (2011) *Анализ бухгалтерской отчетности.* – М.: ДИС.

Жумаев Н.Х. (2022). *Халқимиз рўшнолик кўришига ҳақли. Халқ сўзи газетаси. 2022 йил 11 октябр, №220 (8282).*

Ибрагимов А. (2020) *Молиявий ва бошқарув ҳисоби / Дарслик. Ҳаммуаллиф-Т: «IQTISOD-MOLIYA», - 467 б.*

Ибрагимова И. (2022) *Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини акциядорлик жамиятлари амалиётига жорий этишни такомиллаштириш. 08.00.08- Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит ихтисослиги бўйича (PhD) илмий даражасини олиш учун бажарилган дисс. авт.*

- Ковалева В.В. (2012) Анализ хозяйственной деятельности предприятия. – М.: Проспект, С.31.
- Қонун (2016) “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 13.04 даги ЎРҚ-404-сон. <https://lex.uz/docs/2931253>
- МҲХС (2020) “Молиявий ҳисоботни тақдим этиш” (7-банд).
- Нилдз Б. и другие (1993) Принципы бухгалтерского учета. /Перевод с англ. Под ред. Я.В. Соколова. М.: Финансы и статистика, 496 с. 16с.
- Очилов И., Ризаев Н., М.Калонов.(2022) Бухгалтерия ҳисоби / Дарслик (номутахассислик бакалавриат таълнм йўналишлари учун).. - Т.: «Nihol print» ОК, - 318 б.
- Ризаев Н.К, Баракаев О.О. (2022) Ўзбекистонда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲХС ҳужжатлари) бўйича янги матн қўлланилмоқда. “Инновацион ёндашув асосида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини жорий этиш”. Халқаро илмий – амалий конф мат. тўплами., ТМИ.: 5-9 б.
- Суворов А.В. (2007) Методологические подходы к оценке МСФО. Международный бухгалтерский учет. С. 31-38.
- Ташназаров С. (2023) Молиявий бухгалтерия ҳисоби 1 [Матн]: дарслик / Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти – Самарқанд - 580 бет.
- Трушкина, А.В. (2016) Бухгалтерская (финансовая) отчетность как информационная база финансового анализа / А. В. Трушкина. — Текст : непосредственный // Молодой ученый. — № 13 (117). — С. 527-529. — URL: <https://moluch.ru/archive/117/32467/>
- Умарова М., Ахмаджонов К. (2004) «Бухгалтерия ҳисоби». Т.: «ЎЗАЖБНТ» -Б. 327.
- Ҳошимов Б. (2004) Бухгалтерия ҳисоби назарияси. -Т.:“Янги аср авлоди”, Б. 242.
- Энтони Р., Рис Дж. (1993) Учет: ситуация и примеры: Пер. с англ./Под ред. и с предисл. А.М.Петрачкова.–М.:Финансы и статистика.–20-21 с.